


1997 ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУФ БЎЛСИН!

ЯНГИ ЙИЛ ҲАР ҚАЙСИ ОИЛА ВА ИНСОН УЧУН БАХТ, ФАЙЗ-БАРАКА КЕЛТИРСИН!



Халқ Сўзи



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1 январь, чоршанба, 1997 йил
Сотувида эркин нархда. № 1 (1518)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!
Янги йил оқшомида ҳар биримиз йил бўйи қилган ишларимизни сарҳисоб этиб, келгуси режаларни белгилар эканмиз, беихтиёр умр мазмуни, ҳаётнинг маъноси ҳақида ўйлаймиз.
Биз аини лаҳзаларда шу кунларга етиб келолмаган яқинларимизни эслаймиз. Уларнинг руҳини шод этишга ҳар қандай тўғрилик.
Утган йил яратганининг ўзи бизни ёмон кўзалардан, ёвуз кучлардан асради. Юртимизда тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик янада мустаҳкамланди, одамлар ўртасида меҳр-оқибат кучайди. Биз ўзганимизни, ноёб кадрларимизни чуқурроқ аниқладик. Ҳар бир ишимизда маънавият устувор бўлмоқда.
Ҳаётимиздан мустаҳкам жой олаётган эркин иқтисод қондалари одамларнинг турмуш даражасини кўтариш мақсадида янги имкониятлар, янги-янги манбалар барпо этмоқда. Инсон ўз қобилияти ва салоҳиятини тўла намойиш этиши учун замин яратилмоқда. Утган йили миллилатимизни жаҳонга таништириш борасида ҳам кўп ишлар қилинди. Дунё бизни танимоқда, биз ҳам дунёни танимоқдамиз ва жаҳон ҳамжамиятидан, башариётининг

ягона оиласидан ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш учун интилоқдамиз.
Муҳтарам юртдошлар!
Мана шу дақиқаларда барчамиз янги йил дастурхонлари атрофида тўланиб, халқимизга хос азалий ғазилатларга кўра ўтган умримиздан рози бўлиб, шукур қилиб, аини вақтда эртанги кунга катта умид билан қарашимиз табиийдир.
Бошимиздан кечирган синовлар, катта қийинчиликлар, босиб ўтилатган тараққиёт босқичлари, шубҳасиз, янги -- 1997 йил учун мустаҳкам замин бўлиб, иқтисодиётимизда, саноат, қишлоқ хўжалик ва бошқа тармоқларда, авваламбор, ҳар бир оила ва умуман жамиятимиз ҳаётида ўз ижобий таъсирини кўрсатиши мумкин.
Олдимизда турган мақсадларга эришиш, ҳаётимизни янада барқарорлаштириш учун ўтмишимиздан керакли сабоқлар чиқариб, эски иллатлардан жудо бўлиш, бошланган илоҳотларни изчил давом эттириб, янгиликни, покликни йўлида янги, далил қадамлар қўйиш бизнинг муҳим вазифамиз ва бурчимиз бўлмоғи зарур.

Азиз дўстлар!
1997 йилни мамлакатимизда инсон манфаатлари йили деб эълон қилганимизнинг асосий мақсади, бу биринчи навбатда -- дунёда энг ноёб бойлик бўлмиш инсон ҳаётига, шаънига, қадр-қимматига жамият эътиборини қаратиш;
-- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш билан бирга, ҳар бир одам ўзининг бор имкониятларини, ақл-заковатини тўла рўёбга чиқариши учун шарт-шароит барпо этиш;
-- давлат, жамият ёрдамига муҳтож оила ва одамларга етарли кўмак ва мадад бериш. Бундай муносабат орқали уларни ҳаётда адолат борлигига, бобомиз Амир Темурнинг «куч-адолатда» деган ширини асос этиб олган давлатимизнинг қудратига ишончини мустаҳкамлаш.
-- Оналик ва болаликни муҳофаза қилишдек энг олжаноб бурчимизга эътиборимизни кучайтириш, бунинг учун янги манбалар топиш;
-- савобли ишларни давом эттириб, бутун умри ҳалол меҳнатда ўтган нуруний отахонларимизни, мунис онахонларимизни рози қилиш, уларнинг дуоларини олиш бизнинг кутублик бурчимизга айланиши зарур.

Янги йил арафасида ўзимнинг раҳбар сифатидаги, Президент сифатидаги масъулиятимни чуқур англаган ҳолда, сиз азизларни ишонтириб айтманки, бу мақсадлар давлатимизнинг ҳар қайси поғонадаги ҳокимият дастурларида марказий ўрин эгаллайди.
Бу вазифаларни амалга ошириш учун бор имкониятимизни, кучимизни, керак бўлса, жонимизни ҳам аяммаймиз.
Ишонманки, 1997 йил халқимизнинг, давлатимизнинг обрўсига обрў қўшади, овоз ва обод ватан қуриш йўлида янги босқич бўлади, иншооллох. Бунга бизнинг салоҳиятимиз ҳам, куч-қудратимиз ҳам етди.
Бу мақсадларга эришиш учун барчамиз сабр-тоқатли, меҳр-оқибатли, аҳил-баҳамжихат, шу билан бирга, қатъиятли ва шижоатли бўлишимиз керак.
Қадри ватандошларим, юртдошларим!
Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, тинчлик-омонлик тиллайман. Янги йилингиз муборак бўлсин!
Янги йил ҳар қайси оила ва инсон учун бахт, файз-барока келтирсин!
Барчангизни яратганимизнинг ўзи паноҳида сақласин!

Ислом ҚАРИМОВ

МАҚСАДИМИЗ -- ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 27 декабрда дипломатия корпуси раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, хорижий ва республика оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан учрашди.

Юрий Чернягов («Пост-фактум», Россия): Ҳозир Тожикистон муаммосини ҳал этишда янги таъабублар тўғрисида кўп гапирилапти. Мен ҳозирги вақтда Тожикистон чегарасида тинчлик ўрнатини кутилари тарқабди турган Ўзбекистон батальонини сақлаб қолиш истиқболларини билмоқчи эдим.
Ислом ҚАРИМОВ: Бу ҳақда қисқача шундай дейишим мумкин: МДҲ давлатлари бошқилари даражасида имзоланган ахднома билан битимлар мурофий батальонимиз тинчлик ўрнатини кутилари сақлаб қолиштириш учун марга узайтирилди. Ўзбекистон бундай вазиятга хотима бериш лозим деб бир неча бор огоҳлантирди. Сизнинг саволингизга жавобан қуйидагиларни айтмоқчиман: Москвада эришилган ахдлашулар амалга оширилганидан бўлса, биз батальонимизни бундан кейин ҳам

Тожикистон чегарасида ушлаб тураемиз. Агар бу ахдлашулар амалга оширилмаса -- биз ҳам уйлаб кўрамиз.
Кристофер Берг («Рейтер»): Президент жаноблари, Сиз хорижий сармоядорлар валютасини алмаштиришда ҳеч қандай муаммо йўқ дедингиз. Лекин Халқаро валюта жамғармаси билан Жаҳон банки шундай муаммолар бор дедоқда. Шу муносабат билан савол бермоқчиман: Ўзбекистоннинг Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки билан муносабатлари қандай? Бу муносабатларнинг истиқболлари қандай?
Ислом ҚАРИМОВ: Халқаро валюта жамғармасининг Ўзбекистондаги вакили айтган гаплардан хабардорман. У бирор компания ва фирманинг муаммоси тўғрисида гапиргани йўқ. У Ўзбекистон сўми эркин муомаладаги валютага алмаштиришни маъмурий усул билан чеклаб қўйгани тўғрисида гапирди. Унинг иккинчи эътирозини -- пул ҳажмининг чекланиши деди. Биз Халқаро валюта

вакзаллари билан кафолатланади.
Бунга фақат ҳукуматлар аро битим тузган фирмаларгина эмас, яна бир бор таъкидлаб ўтам, Ўзбекистон бозорига аниқ битимларга мувофиқ ишлаётган фирмалар ҳам кирди.
Ўзбекистон валюта бозорининг иккинчи таркибий қисми -- биржадан ташқаридаги валюта бозоридир. Бу бозорда асосан тижорат банкларининг ресурсларидан фойдаланилади. Валюта операцияларини амалга оширишга рухсат олган тижорат банклари биржа валюта бозорига кирмаган маблагини эркин муомаладаги валютага алмаштириб бериш учун ўз маблагларидан фойдаланади. Бунда Марказий банк етакчи ўрин тутди. Яна соддароқ айтишим мумкин. Барча истеъмол моллари, шу моллар юзасидан Ўзбекистон ҳудудига амалга оширилган битимлар, яъни мақсулот етказиб бериш -- буларнинг ҳаммасига тижорат банклари хизмат қилади.
(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ РЕСПУБЛИКАДА МУСИҚИЙ ТАЪЛИМИ, МАДАНИЯТ ВА САЊЪАТ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Еш авлодин ўзбек маданияти ва санъати анъаналари, илғор жаҳон андозалари асосида билим олишни таъминлаш ҳамда ушбу соҳа ўқитувчи, илмий-ижодий ҳодимлари меҳнатини рағбатлантириш, шунингдек, республика маданият ва санъат билим юрларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг ўз тасарруфидаги болалар музика ва санъат мактабларини «Таълим муассасалари» рўйхатига киритиш ҳақидаги тақдир қарор қилинсин.
- 1997 йил 1 январдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тизимида:

болалар музика ва санъат мактаблари ўқитувчилари (директор, директор ўринбосари, ўқитувчи ва концертмейстрлари)га Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 8 январдаги 3-сонли қароридан белгиланган имтиёзлар.

ўрта махсус ўқув юрларининг ўқитувчилари, концертмейстрлари ҳамда Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти илмий ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон театри ва музика санъатини янада ривожлантиришга қўллаб-қувватлаш» Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 октябрдаги 415-сонли қароридан белгиланган моддий рағбатлантириш буйича барча имтиёзлар таъбиқ этилсин.
- 2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг тегинли вазирлик, ташкилот ва муассасалар билан биргаликда еш авлодин ватанпарварлик ҳамда интиқил оғайнарига салоқат руҳида тарбиялаш, бой миллий-маънавий меросимиз, ҳазирги замон ижодий ютуқларимиз, шунингдек, умуминсоний қадриятларини ҳурмат қилиш, ўрганиш ва ўзлаштириш ишларини янада яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш;

болалар музика ва санъат мактаблари, олий ва ўрта махсус ўқув юрларидан иқтидорли ёшларнинг миллий анъаналарини чуқур ўрганиш ва ўзлаштириш, шунингдек, жаҳон андозаларига мос равишда таълим олишлари учун махсус ўқув дастурларини тайёрлаш;

ўқув юрларини юқори сифатли чолу асбоблари ва зарур замонавий техник воситалар билан таъминлаш чора-тадбирларини қўриш;

нодир, қимматбаҳо музика асбобларини тўплаш, асраш, улардан унумли фойдаланиш мақсадида вазирлик ҳузурида «Музикалий чолулар давлат коллекциясини ташкил этиш; истеъдодли ёшларни санъат соҳасидаги халқаро ва республика миқёсидаги курик-танловлар, фестиваллар ва бошқа турдаги анжуманларда иштирок этишлари, уларнинг чет элларга ижодий сафарларга чиқишлари, шунингдек, мамлакатимизда бундай тадбирларнинг ўтказилишини таъминлаш топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ўшбу Фармонда кўзда тутилган сарф-харажатларни Маданият ишлари

вазирлигининг буюртмасига мувофиқ республика бюджетидан қопласин.

Марказий банк тегинли маблагларини белгиланган тартибда эркин муомаладаги валютага айирбошланиши таъминласин.

4. Жойлардаги болалар музика ва санъат мактаблари ўқитувчиларини моддий рағбатлантириш ва билим юрларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ сарф-харажатларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилсин.

5. Оммавий ахборот воситаларига ёшларнинг маданият ва санъат соҳасида эришилган ютуқларини кенг тарғиб қилиш, янги истеъдодларни излаб топиш ва уларни танитишда беэосита иштирок этиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. ҚАРИМОВ.

Тошкент шаҳри
1996 йил, 31 декабрь.

БЮДЖЕТНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН

Вазирлар Маҳкамасида 31 декабрь кунин солик ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш буйича ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисда Бош вазир ўринбосари, комиссия раиси Б. Ҳамидов бошқувчи.
Комиссия Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг тақдирини билиб олиш мақсадида ташкилотларнинг электр ва иссиқлик энергиясининг фойдаланиш ва коммунал хизмат учун кредитдорлик қарзларини ўзини йўлларини кўриб чиқди. Тўлов интизомининг бузилишини

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ АЙРИМ СУДЬЯЛАРИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади: Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин:

САИДОВ Қаримжон Усмонович
ҚОШИМОВА Мухтабар Раҳматовна
ШУМАРИН Николай Иванович.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил, 27 декабрь.

Дил изҳори

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ: БИР-БИРИМИЗГА ИНТИЛИБ ЯШАЙМИЗ

Қардош туркий халқларининг ўзаро алоқалари мустақиллик йилларида мазмунида чўнг бир улутларнинг қасб этдики, бунга Президентимиз талонидан илҳами сурилади. «Туркистон -- умумий уйимиз» ширини янги куч ва илҳом бағиш этди. Айниқса, қон-қардош халқлар эътибори, ёвузи ва ширинлари, олим савияткорлари ўртасидаги салбий дўстлик, биродарлик ривожлари янада мустаҳкамланди. Мухбиримиз мамлакатимизга таъриф буюрсан қирғиз халқининг жаҳонга машҳур хисос адаби Чингиз Айтматов билан учрашиб, унинг дил



Чингиз Айтматов билан учрашди, унинг дил

катта ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Ишончим комилки, 1997 йилда ҳам Ўзбекистон катта зафарларга эришажак. Фурсатдан фойдаланиб, дўстим Овдиқ Ёқубов ҳақида ҳам икки оғиз сўз айтсам. Чунки бу йил у 70 га тўлади-ди!
У адабиётимизнинг истеъдодли намояндасидан биридир. Ҳали-ҳануз эсимда: 70-йиллар бошида яратган «Улукбек хазинаси» романини алоҳида бир завқ билан ўқиб чиқиш, кўнгилда тугилган ўй-фикрларини мухасар бир мактубда баён қилушим. Овдиқ Ёқубов ўз асарларида кўпгина тарихга мурожаат қила-

Маймурун ҚИЕВОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ



БАХТ КЕЛТИРСИН!

Улқир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

Улуғ айём арафасида қилинган тилаклар мустажаб бўлади, дейишади. Чиндан ҳам шундай. Янги йил юртбошимиз томони

дан Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинди. Дарҳақиқат, Инсон Тангрининг энг сеvimли мавжудотиридир. Оллоҳ одам боласига

тил берган, ақл-заковат берган, сеvги, виждон, имон туйғусини берган. Бинобарин одамлар бахтли яшамоғи керак.

1997 йил ҳаммага БАХТ келтирсин! Дастурхонимиз тўкин бўлсин! Юртимиз тинч бўлсин!

Байрам тилаклари

Қўшиқлар байрами йили

Анор НАЗАРОВ,
«Ўзбекнаво»

бирлашмаси бош директори:

Одам боласи борки, куй-қўшиқсиз яшай олмайди. Бир сўз билан ифода қилинган бўлса, санъат яхши-ёмон, оғир-енгли кунларда одам-зотга юпанч ва ҳамроҳдир. Шу маънода ўтган йил санъатда бурилиш йили бўлди, десак, хато қилмаган бўламиз. Аввало, юртбошимизнинг ташаббуси ва қарори билан «Ўзбекнаво» ташкил этилди. Санъаткорларнинг ижодий шароитини яхшилаш тўғрисида қатор фармон ва қарорлар чиқди. Республикаимиз мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним ма-ним» қўшиқлар кўрик-танловининг ўтказилиши ўлка-миз маданий ҳаётида катта

воқеа бўлди. Қадим она тупроқни, Ватанини, унга чексиз меҳр-муҳаббатни ифода-ловчи қўшиқлар яратилди. 1997 йилдан бошлаб эса август ойининг учинчи якшанбасида «Қўшиқ байрами» нишонланади. Янги йилдан умидларим жуда катта. Аслида ҳам инсон орзу-ҳавасларининг ниҳояси йўқ. Аввало, 1997 йил барчангизга омад олиб келсин, азиз ватандошларим! Ойлангиз тинч бўлсин! Мустақил юртимизнинг гуллаб-яшнаши учун ҳар бирингизнинг қўлидаги улусингиз салмоқли бўлсин! Ва яна Янги йил тўй-тантаналар ва қўшиқлар йили бўлсин!

ОЧИЛИБ-СОЧИЛИБ ЮРИШСИН

Назминеца ДЕҲҚОНХУЖАЕВА,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор:

Қанийди, қўлимдан келса-ю, ҳамма-ҳаммага соғлиқ улашсам, касаллик деган сўзни лугатдан учириб ташласам...

Инсон ҳамиша келажакка ишонч ва умид билан боқади. Мен ҳам Янги йилни бир дунё орзулар билан қарши олаётман.

Энг биринчи тилагим шуки, барча касалликлар эски йилда қолиб кетган бўлсин! Бундан буён ҳеч ким касал бўлмасин, дард азобидан қийналмасин. Ўзбекистон халқи соғлом гўзал юртга айлансин!

«Халқ сўзи» мухбири
Г. ҲУСАНОВА ёзиб олди.

1996 ЙИЛ СОЛНОМАСИ


ЯНВАРЬ
• Қозоғистоннинг Қўсқатов вилоятида Ўзбекистон Президенти И. Каримов, Қозоғистон Президенти Н. Назарбаев, Қирғизистон Президенти А. Акаев ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Президентлар Марказий Осиёда иқтисодий интеграция жараёнини ривожлантиришнинг 2000 йилгача бўлган дастури ва бош бир қатор муҳим масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашди.

ФЕВРАЛЬ
• Президент Ислом Каримов бошчилигида Ўзбекистон делегацияси Швейцариянинг Давос шаҳрида ўтказилган жаҳон иқтисодий ани-манида иштирок этди.

МАРТ
• Мамлакатимиз Президенти И. Каримов «Ўзбекистон Республикаси фақуллоҳлар-зотлар вазирига ташди этиш тўғрисида» Фармон чиқарди.
• Вазирлар Маҳкамаси «мурийлар тарихи давлат эъйни ташкил этиш чора-та-бирлари тўғрисида» қарр қабул қилди.

АПРЕЛЬ
• Ўзбекистон Президенти И. Каримов Францияда ра-сий ташриф буюрди ва Франция Президенти Жак Ширак билан учрашди.
• «Амир Темур» ордени тизис эшти тўғрисида Қонун қабул қилинди.

МАЙ
• И. Каримов Озарбайжон ва Грузия Республикалари ра-сий ташриф буюрди.
• Ўзбекистон Президенти И. Каримовга жаҳон иқтисодий мулк ташкилотининг медали тоширилди.



Мамлакатимизда ёнлиги-энергетика мустақиллигини таъминлашга хизмат қиладиган ва 1997 йил—Инсон манфаатлари йилида ишга туширилади кутилаётган Қороғулбозор нефтни қайта ишлаш заводи Ватанимиз санюати гигантлари сафидан жой олишига ҳеч шак-шубҳа йўқ!

ЮРАККА ЯҚИН КИШИЛАР

Публицистика

Гулнора опа ҳақида биринчи бор Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг фото мухбири Баҳром Тўраевдан эшитганим. «Ҳар куни бу аёл эрталаб ва кечқурун беш қаватли уйнинг ён-атрофини, зинаполларини супуриб чиқади. Уйлар бошқармасидан бир тийин ҳам пул олмайди. Жуда ажойиб аёл-да. Бир гаплашиб кўрмайсизми?»

Бордим. Қўрдим. Аммо Гулнора опа ҳақида биринчи бор Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг фото мухбири Баҳром Тўраевдан эшитганим. «Ҳар куни бу аёл эрталаб ва кечқурун беш қаватли уйнинг ён-атрофини, зинаполларини супуриб чиқади. Уйлар бошқармасидан бир тийин ҳам пул олмайди. Жуда ажойиб аёл-да. Бир гаплашиб кўрмайсизми?»

Бордим. Қўрдим. Аммо Гулнора опа ҳақида биринчи бор Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг фото мухбири Баҳром Тўраевдан эшитганим. «Ҳар куни бу аёл эрталаб ва кечқурун беш қаватли уйнинг ён-атрофини, зинаполларини супуриб чиқади. Уйлар бошқармасидан бир тийин ҳам пул олмайди. Жуда ажойиб аёл-да. Бир гаплашиб кўрмайсизми?»

Бордим. Қўрдим. Аммо Гулнора опа ҳақида биринчи бор Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг фото мухбири Баҳром Тўраевдан эшитганим. «Ҳар куни бу аёл эрталаб ва кечқурун беш қаватли уйнинг ён-атрофини, зинаполларини супуриб чиқади. Уйлар бошқармасидан бир тийин ҳам пул олмайди. Жуда ажойиб аёл-да. Бир гаплашиб кўрмайсизми?»

Бирок дунда ифодалаш, ёшиш мушкул бўлган ажиб бир туйғулар қалқийди. Одам боласининг табиати қизиқ. Бинафиса қорни ёриб, қўйша интилган каби, ирмоқлар тошдан-тошга урилиб, дарё бағрига шошгани сингари, Зухро йўлдан адашган сайёҳ сўқмоғини ёритишга интилагани янелиғ ҳар биримиз ўзимиз мўқаллас ва эзгу деб билган кўнглимизнинг мунаввар соҳилларига талпиниб яшаймиз...

«Ишқилиб янги йил омаду бахт олиб келсин... Ишқилиб Афғон такрорланмасин. Қўшиқларимизнинг уйи тинч, омир-борлари донга тўла бўлсин. Юртимизга ўзағлар ҳасад билан эмас, ҳавас билан боқсинлар...», дея пичирлайди лабларимиз. Юқорида мен Гулнора опа билан у қилаётган иш ҳақида бир оғиз ҳам гаплашмадим, дедим. Зотан, юрагиде меҳр қайнаган бу мунис аёл билан расмий гаплашиб буладими? «Баракалла, япанг» деган сўз кўнглидаги ҳайратни ифодаламайди. Елкасига қоқиб қўйиб десам опанинг ёши мендан анча улғ. Биз ўзбекларда аёлларнинг қўлини ўпашмайди. Ўзбеклар ўзалари ихлос қўйган ва ўзалари тавоф қилиш лозим, деб ўйлаган одамларнинг қўларини қўларига суртишади. Мен ҳам ҳаёлан Гулнора опанинг қўларини қўларимга суртаман. Дарвозақир қишлоғи туманининг энг четиде жойлашган бўлиб, йўллар бу манзилда адоғига етади. Бу ерга на автобус, на йўловчи машиналар

келади. Туманинг тепасида мустақил ва буюк юрт байроғи ҳилпирётган Абдураул Абдуллаевнинг ёши олтимишдан олиб кетган. Баҳс ва мунозараларда унча-бунча одамга ёнини бермайдиган бригада бошлиғи на унвондан, на амалдан, на катталарнинг эътиборидан умидвор. Унинг илнжи битта: чор-атрофи пахта далалари билан ўралган қишлоқ четидеги ўз уйи устиде ҳар тонг юрт байроғини кўриб турса бас! Янги йил янги умидлар, янги орзулар дегани. Илоҳо янги йилда пахта-ю, тилла-миз, буюдой-у, мевамиз кўп бўлсин. Кишиларимиз юра-ғиде юрт ишқи тонғи қўёш каби порлаб, нур сочиб турсин. Ана шунда кўнгли ўфқларимиз лозазор даштларга, тиник булоқларга, аддисиз гулзорларга, мевали боғларга, ҳайбатли тоғларга макон бўлади. Ва бу гулзордаги ҳар бир гулга капалаклар беҳадик учиб-қўниб яшайди... Алиқул ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

1996 ЙИЛ СОЛНОМАСИ

ИЮНЬ
• Президент И. Каримов Италия мамлакатига расмий ташриф буюрди.
• Ўзбекистон Президенти АҚШга расмий ташриф буюрди, Оқ уйда Президент Билл Клинтон билан учрашди.

ИЮЛЬ
• Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзямин расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.
• Асака шаҳрида Марказий Осиёда биринчи ягона автомобиль заводи ишга тушди.

АВГУСТ
• Биринчи чавирққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси бўлиб ўтди.

СЕНТЯБРЬ
• Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги муносиб нишонланди.
• «Олимпия шон-шухрати» музейи очилди.

ОКТАБРЬ
• Асака машиналарнинг Марказий Осиё бўлиб «Олтин ҳалқа» автопойтаси муваффақиятли якутланди.
• Темурийлар тарихи дар-лазат музейи очилди ва соҳибқирон Амир Темурийнинг 660 йиллиги зўр тантана қилинди.

НОВАБРЬ
• Ўзбекистон Республикаси Президенти «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини тузиш тўғрисида» Фармон чиқарди.

ДЕКАБРЬ
• Биринчи чавирққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон халқини янги - 1997 йил билан самимий муборакбод этамиз!

Биз - "Зарафшон-Ньюмонт" кўшма корхонаси, "Ньюмонт (Ўзбекистон) Лимитед" ва "Ньюмонт Голд Компани" жамоалари Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига ўз ҳиссамизни қўцаётганимиздан, мустақил Ўзбекистон мамлақати ва Америка Қўшма Штатлари халқлари ўзаро ҳамкорлигининг самарали натижаларига фойдамиз тегаётганидан фахрланамиз.

Зарафшонда олтин қазиб олиш бўйича лойиҳани амалга ошириш чоғида ишончли шерик бўла олганимиздан бахтиёрмиз.

Ўзбекистоннинг салоҳиятли халқига тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат, буюк туб ўзгаришлар йўлида янги-янги зафарлар тилаб қоламиз!

"Зарафшон-Ньюмонт" КК. "Ньюмонт (Ўзбекистон) Лимитед". "Ньюмонт Голд Компани".

1997 ЙИЛ — ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

ТАРИХГА ХОЛИСОНА ЁНДАШИЛАДИ

Бўрибой АХМЕДОВ, академик, «Ўзбекистон янги тарихини яратиб бўйича ижтимоий-ишлов кенгаши раҳбари:

Янги йилда ҳар қим янги режалар билан қадим қўймоқда. Биз, тарихчилар, учун эса бу йил республика Вазиirlар Маҳкамасининг махсус қароридан белгилаб берилганидек, мустақил Ватанимиз янги тарихини яратиш сари дастлабки қадамлар қўйилган йил бўлади. Бу борда ишлар анча олдин бошлаб юборилган эди. Ҳозирча уч йилдан иборат бўлиши

қўзда тутилатган бу қомусий асарда халқимиз тарихида рўй берган, ҳозиргача муносиб баҳосини олмай келаётган зиддиятлик воқеаларга биринчи марта холисона ёндашишга эришилди. Шуниси қувончлики, бундай масъулиятли юмушни бажаришга республикамизда етарлича илмий салоҳият мавжуд. Унда оқсоқолларнинг тажрибаси, ўрта буғининг шижоати ва ёшларнинг ғайрати қўл келади, албатта. Мен ана шу юмушда ҳамкасбларимга омад ва зафар тилайман.



У ЗАФАР КЕЛТИРАДИ БИЗГА

Нурхон НАФАСОВ,
Ўзбекистон миллий каратэ федерацияси президенти:

—1996 йил биз учун жуда омадли келди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси Африкада ўтказилган жаҳон чемпионатида биринчи марта қатнашди. Шунингдек, бир қатор халқаро турнирларда ҳам муваффақиятли иштирок этдик. Энг муҳими шу йили Ўзбекистонда биринчи марта Миллий каратэ федерацияси ташкил этилиб, у Бутун жаҳон каратэ федерацияси ва қитъа каратэ федерациясига ҳақиқий, тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди. Шахсий ҳаётимдаги қувончли воқеага келсак, менга каратэ бўйича халқаро 5-ДАН қорабелбоғ соҳиби

унвон берилганлидир. Кегаётган йилдалик марта тўзиқ таркибда терма жамоаси Осиё чемпионатида қатнашмоқчики, у бизга муваффақият олиб келади, деб уйлайман. Шунингдек, 1997 йилда каратэ Олимпиада ойналасиди спорт турлардан ўрин олиши эҳтимоли борки, бутун жаҳон каратэчилари қаби биз ҳам бу муҳим воқеани оряқиқ қўлтиришимиз.

Муносабат

Халқимиз элга хизмат қилганларни доимо улуғлаб келган. «Юрт қўрсанг ўзарсан» мақоли на шу истак маҳсули бўлса ажабмас. Раҳбарни, оддий фуқарони юртинги истиқболини уйлаб интилибдими, унга ҳурмат бисёр. Зеро, мамлакатимиз мустақилликка эришгандоқ инсонларнинг истак-хоҳиши, орзу-интилишлари, эъйбор марказида.

Азиз муштарий! Байрам-танловида қатнашиш ниятингиз бўлса, шартларимизни очинишга киришишдан аввал олдингизга электрон ҳисоблагич ёки қороз, қалани таварлаб қўйишни унутманг. Ойлангиздаги математик ҳисобларга қобилиятлироқ кишини, спортсавар уғил ёки қизингизни ёрдамга чақирсангиз мушкулнингиз биров енгил кўчади.

Биринчи шартларимизни тўғри очиб, 100 балл тўплаган кишини тахриратимиз ҳарбий ватанпарварлик ва спорт тармоғининг махсус мукофоти (ҳозирча унинг нимадиги сир) — ажайиб совға қўтайти. Агар 100 балл тўпловчилар бир неча киши бўлса, у ҳолда мукофот бизга почта муҳри бўйича энг аввал жавоб махтуби (сўнги мuddат 10 январь) йўллаган голибга берилади. Агар бу вазиятда ҳам голиб бир неча кишини ташкил этса, у ҳолда мукофот эгасини қўрға ташлади йўли билан аниқлашга тўғри келади, чунки совғамиз ажайиб ва уни қисм ёки булақларга бўлиб бўлмайди. Ҳисоб-китобингизни қайта-қайта текшириб, унинг аниқ бўлишига эришинг, чунки битта хато сизнинг уйиндан чиқиб кетишингизга олиб келади. Демак, бошладик.

6-Шарт. Олдинги бешта шартлар ечими учун берилган максимум баллар

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ МУРОДЛИ МАНЗИЛ

Салом, асалом, кел, Янги йилдм, Нурли кунлардан менга бер дарак. Кенг очиб бағрин, мунгазир элим, Саодат тонги бўлсин муборак!

Созла созингни ғазалхон кўнги, Келди янги йил, қўтлаб қўтиб ол. Давру давронин сурсин овоз эл, Кўчминш халқимни буюк Истиқлол!

Ўлкам эртаси — Муродли манзил, Гулга ўрайлик йўлларимизни. Бахш айлар умид бизга Янги йил, Дилларга боғлаб дилларимизни!

Тўкин дастурхон, бергин омонлик, Қадмларингдан унсин чечаклар, Ҳаёт устуни — имонли йорак, Элим деб япар ишқин юраклар.

Тинчлик қўрғонин посбони бордир, Умирим қарвонин етаклар Сорбон. Тенглар учра тенг, хур, бахтиёрдир Муқаддас юртим — жон Ўзбекистон!

Кўзимиз нури, қалбимиз кўри Эл-юрт меҳридан олмай аланга. Қадрлаб, асраб ўз умримизни — Жонни этайлик фидо Ватанга!

1-шарт. Яқунланган йилни (Шпарталга: 1996) шу йили олий лигага йўланма олган биринчи лига футбол клублари сонига кўпайтириб, сўнг «капитан» унвонини билдирувчи юлдузлар сонига бўлиг ва ҳосил бўлган сонига йил дея фарз қўлсак, у сизга нима ни аниқлашди? Тўғри жавоб учун 10 балл берилади (Шпарталга: шу йили буюк бобоклоларимиздан бири таваллу топан).

қилган ўзига хос рақам ҳосил бўлади.

Ийгиндисида уйин давомида воз кечган барча нолларнинг сонини қўшиб 4000га кўпайтиринг ва ҳосил булган сонга 35785 қўшиб, ҳар икки хонали сон орасига чизикча қўйиб чиқсангиз спорт тармоғимизнинг телефон рақами келиб чиқади. Уни аниқ топганингиз учун сизга 10 балл берилади. Уйлаймизки, телефон рақамимизни билиб олган, 1997 йилда биз билан доимий алоқада бўласиз ва ўзингизни қизиқтирган қандайд мавзулар ҳақида

АҚЛ ЦАРХЛАШ ҒИМНАСТИКАСЯ

ёки янги йил оқшомида ўйналадиган байрам-танлови

ҳосил булган сонга дастлабки уч шарт бўйича берилган максимум баллар ийгиндисида қўшиб, ҳосил булган сондан учинчи шартдан сўнги электрон ҳисоблагичнингиздаги сонни айиринг. Агар ундан футболчи Миржалол Қосимовнинг биз кўнмак рақамини айириб ташласак, мамлакатимиз футболни учун қанақа аҳамиятга эга булган сон келиб чиқади? Умуман бу соннинг футболга қандай алоқаси бор, таърифлаб беринг. Тўғри жавоблар учун уларнинг аниқ ва мукаммаллигига қараб 7 дан 15 гача балл берилади.

газетамиз саҳифасида ўқиб истакларингиз борлигини эйиб юборасиз.

2-шарт. Электрон ҳисоблагичингиздаги охириги сонга биринчи шарт учун олган баллинингизни қўшиб, ийгиндисида XXI асрда биринчи марта ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионати йилмига кўпайтириб, сўнг 690ни айиринг. Дейлик, ҳосил булган сон — бу пул. Агар сизнинг ойлик маошингиз 2698 сўм бўлса, электрон ҳисоблагичдаги пулни сиз неча ойда ишлаб топшингиз мумкин? Тўғри жавоб учун 13 балл берилади.

3-шарт. Дейлик электрон ҳисоблагичдаги сонга тенг пулга эгасиз. Уни сиз республикамиз иқтисодий тараққиётига ҳисса қўлиш мақсадида аввало нимага сарфларингиз? (Жавоб учун 2 дан 5 гача балл берилади). Дейлик, электрон ҳисоблагичдаги сонга тенг қарингиз бор. Унда нима қиларингиз? Йўқ, бу савол ҳаммаизга ёқмади, яхсини бу сондан бирича нолларни ўчириб ташлаб, бу пулни ишлаб топшингиз мумкин булган ойлар сониди ноллардан ҳам воз кечиб, иккинчи қўшмак. Ийгиндига иккинчи шарт бўйича олган баллинингизни ҳам қўшинг, сўнг иккита булган. Ҳосил булган тўрт хонали сонга неччини қўшсак, буюк қўлам соҳиб Алишер Навоий таваллу топан йил келиб чиқди? Тўғри жавоб учун 14 балл берилади. (Шпарталга: иланиётган сондан иккинчи айирсангиз «Нефтинчи» уч марта чемпион

7-шарт. Олий лигада қатнашган ҳарбий футбол клублари сонига О. Шаҳид ва Ж. Ирисметовнинг 5-миллий чемпионатда киритган тўпларини қўшиб, ийгиндидан терма жамоамизнинг Осиё уйинларида эришган галабалар сонини айиринг, ҳосил булган сонга «Пахтакор» клуби ташкил топган йилни қўшинг. Қандай сон ҳосил бўлди? Тўғри жавоб учун 13 балл. (Шпарталга: урнида танловимиз шартларини бажаришга, уларни ечишга мукка тушиб киришган азиз муштарий! Бир зумга диққатингизни бўлиб, тахриратимиз ижодий холимланингни янги йил муносабати билан байрам табригини қабул қилинг. Янги йил сизнинг оилангизга қўт-баракча олиб кирсин. 7 шарт якунида ҳосил булган сон сизни янги йил билан табриклишимизга асос беради).

8-шарт. Тўплаган балларингизни ҳисоблаб чиқинг ва бунинг давомида неча нолдан воз кечган булсангиз, пулча балл берилади. Агар шу футболчи ҳақида ва ўзингиз илаётган ҳудудда футболни ривожлантириш учун нима-лар қилинаётгани ва сонингча бу борда қандай камчиликларга йўл қўйилаётгани тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларингизни эйиб юборсангиз тахриратимизнинг спорт тармоғи ҳисобидан яна қўшимча 5 балла эга бўласиз.

Расул ЖУМАЕВ олиб борди.

ДИҚКАТ:

«ХАЛҚ СЎЗИ» ОБУНАЧИЛАРИНИ ЮТУҚЛАР КЎТАДИ!

Азизлар!

Биз 1997 йил учун газетамизга обуна (якка тартибда) бўлганлар ўртасида лотерея ташкил этишга аҳд қилдик.

Лотерея ролни газетамиз учун 1997 йилнинг 12 ва 11 ойига ёзилган обуна қўнаничларини ўйнайди.

Ҳар бир обуначи обуна қўнаничларини ўз исми-фамилияси, манзили, иш жойи, ўқув дараҳи номини тўла эйиб, конвертга «Обуначилар лотереясига» деб белги қўйиб, «Халқ сўзи» тахриратига 15 февралгача юбориши керак. Лотерея ўйналари февралнинг охирида якунлашиб, «Бахтли» қўнаничларининг номерлари «Халқ сўзи»да эълон қилинади.

Ютуқлар ичида рангли телевизорлар, радиоприйимиклар, гиламу поласлар, уй-рўзгор ашёлари, чини идишлар ҳамда бошқа қимматбаҳо буюмлар мавжуд. Шунингдек, мамлакатимизнинг таниқли ёзувчиси-ю, шоирлари ўз дастхатларини битшиган китоблар, машҳур хонандаларнинг концертлари ёзилган видеокассеталар ҳам сизларга мушток.

Лотереямизга «Ўзбекирлашув», республика «Бизнес-фонди», турли корхона-ю, фирмалар ҳомийлигини ўз зиммасига олишди. (Биз кейинчалик уларнинг тўлиқ номиларини келтирамиз). Ҳар икки лотереядан бирида ютуқ мавжуд! Омадингизни синиб кўринг!

Газетанинг навбатдаги сони 3 январда чиқади.

THE DOCUMENT COMPANY XEROX

КСЕРОКС компанияси меҳнатқар ўзбек халқини, ш серкуёш ўлкада истиқомат қилаётган барча халқларни Янги йил билан қўтлаш шарафига муяссар бўлганигидан мамнундир. Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини барқарор этиш йўлида ишончли ҳамкорга айланганимиздан хурсандмиз. XEROX компанияси тақдим этаётган сифатли, тезкор, замонавий нусха ўчириш ускуналари Ўзбекистонда ўз мижозларини топа билгани биз учун катта бахтдир. Чунки бу ускуналар Ўзбекистон халқига жаҳон адозалари даражасидаги сифатли маҳсулотларга эга бўлиш имконини беради. Янги йилда ҳар бир оилага бахт-саодат, тинч-тотувлик тилаймиз!

КСЕРОКСнинг Ўзбекистондаги рағбий вакили.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Халқаро 33-07-48;
Мерос ва қайратлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодий 36-36-65;
Маолияват 36-35-60;
Туризм муҳаррират 33-10-28;
Эълонлар 36-09-25, Вақтиёр 33-10-60

• МАНЗИЛИ:
700000, ГТ
Тошкент ш.
Матбуотчи.
... кўчаси, 19-уй.
Навбатчи м.
Навбатчи ...
Муасхххх ...
... —Н. Тонев.
... Қиёмов.
... Хасанов.

Азиз ватандошлар!

«Ўзавтосаноат» — Ўзбекистон автотехнологик корхоналари уюшмаси

Ўзбекистон халқларини янги 1997 йил — Инсон манфаатлари йили билан муборакбод этади.

Ҳаммаларингизга соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат халқ фаровонлиги йўлидаги меҳнатингизда катта муваффақиятлар тўлайди.

«Ўзавтосаноат».

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазиrlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖҰРАБОВ.